# КУЧ — АДОЛАТДА

2014 йил
14 март,
жума
№ 11 (472)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

*Ҳар баҳорда табиатнинг бир бўлаги эканимизни янада теран англаймиз. Шу юрт фарзанди эканимиздан, халқимизга хос қадрият ва анъаналар нечоғли боқий ва сермазмун, миллий маданиятимиз нақадар бой эканидан ғурур ва ифтихорга тўламиз.*

*Юртимиз тинчлиги, осмонимиз мусаффолиги, фарзандларимиз соғ-саломатлиги дилларимиздаги орзуларимизни рўёбга чиқаришга илҳом беради. Шу боис тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар қуриш, турмушимизни янада фаровон этиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш каби ниятлар билан олға интиламиз.*





## Бунёдкорлик, янгиланиш, яратувчанлик айёми

Айтиш жоизки, баҳор фасли ҳақида сўз кетса, албатта, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлган Наврўз ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки бу икки эгизак тушунча қалбимиздан шу қадар мустаҳкам ўрин олганки, ҳар биримиз бу кунларни орзиқиб кутамиз. Айниқса, аёзли қиш кунларида кўнглимиз тубида баҳорга, Наврўзга интиқлик кучаяди. Яхши тилаклар, ниятларимизни бу муқаддас тушунчалар билан боғлаймиз. Аслида ҳам Наврўз ҳаётимизда янги саҳифалар очади, меҳр-оқибат ва саховат каби юксак инсоний фазилатларни намоён этиб, бизни эзгу мақсадлар сари бошлайди.

Чунки борлиқнинг уйғониши, янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши Наврўз билан боғлиқ бўлгани учун халқимиз бу кунни табиат қўйнида, катта-ю кичик биргаликда нишонлашга интилади. Бу айём атроф-муҳитни муҳофазалаш, теварак-атрофда рўй бераётган уйғониш жараёнига ҳамоҳанг қадам ташлашга ундовчи бебаҳо қадрият сифатида халқимизнинг маънавий мулкига айланган боқий шодиёнадир. Шу боис, ушбу байрам билан боғлиқ маросимлар, яратувчилик, ободлик, бунёдкорликка чорловчи анъаналар эрта баҳордан юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёяди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Qonun ijodkorligi*

## Ижтимоий шериклик

### жамият тараққиётига хизмат қилади

**Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ фуқароларнинг демократик-ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, бу борада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги, ошкоралиги ва самарадорлигини, уларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги, фуқаролик жамияти институтларини қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш жараёнларига фаол жалб қилишни таъминлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.**

Айтиш керакки, мамлакатимизни ижтимоий, социал-иқтисодий ривожлантиришга доир долзарб масалаларни ҳал қилишда, аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимини ўзида ифода этувчи ижтимоий шериклик институти муҳим ўрин тутади.

(Давоми учинчи бетда)

*Parlament hayoti*

## Ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилмоқда

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонун қабул қилиниб, Сенатга кўриб чиқиш учун юборилди. Мухбиримиз мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида парламент қуйи палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Олим Оқилов билан суҳбатлашди.**

— Сўнгги йилларда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасини янада такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини мустаҳкамлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, — деди О.Оқилов. — Бу борада мазкур қонун қабул қилингани айни муддао бўлди. Негаки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ҳамкорлик самарадорлигини ошириш, улар фаолиятини мувофиқлаштиришни кўзда тутади. Айни пайтда қонун шу мақсадда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимлилигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалаларини тартибга солувчи кўплаб ҳуқуқий нормаларни унификация қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

***— Қонун лойиҳасини тайёрлашда нималарга алоҳида эътибор қаратилди?***

— Аввало, амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинди. Дарҳақиқат, ўтган даврда юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жойларда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш соҳасида яхлит норматив-ҳуқуқий база шакллантирилди, ушбу соҳада жамоат тартибини муҳофаза қилишнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминловчи самарали тизим яратилди.

(Давоми учинчи бетда)

## Сунь Лицзе: "Ўзбекистон — тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакат"

**Истиқлол йилларида Ўзбекистон дунёнинг кўплаб давлатлари, хусусан, Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни изчил ривожлантириб келмоқда. Ўзбек ва Хитой халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Бугунги кунда бу ҳамкорлик муносабатлари янада кенгайиб, янги мазмун билан бойиб бормоқда. Икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ҳурмат-эҳтиром ва ишонч, мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга муносабатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.**

**Наврўз байрами арафасида ЎзА мухбири Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сунь Лицзе билан суҳбатлашди.**

***— Элчи жаноблари, Ўзбекистон-Хитой ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўзлаб берсангиз. Сизнингча, қайси йўналишлар икки томонлама ҳамкорликда устувор аҳамият касб этади?***

— Ўзбекистондек ажойиб мамлакатда Хитой Халқ Республикасининг элчиси сифатида иш бошлаганим мен учун катта шараф. Кўп асрлик тарих, бой ва серқирра маданиятга эга Ўзбекистонда ишлаш, меҳнатсевар, самимий, меҳр-оқибатли ва донишманд ўзбек халқи билан ёнма-ён яшаш, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилиш менга чуқур мамнуният бағишлайди. Ўз дипломатик миссиямни бажариш давомида бу мақсадни амалга ошириш учун бор куч ва имкониятларимни ишга соламан.

Ўзбекистон билан стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш Хитой дипломатиясининг устувор йўналишидир. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликни тобора кенгайтириш йўлидан бораётган Ўзбекистон минтақада хавфсизликни таъминлашда муҳим ўрин тутади. Ўзбекистоннинг юксак сиёсий обрў-эътибори ва иқтисодий салоҳияти халқаро майдонда тан олинган. Мамлакатингиз минтақа тараққиёти ва фаровонлигига катта ҳисса қўшмоқда. Хитой Буюк ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда Ўзбекистон билан биргаликда ҳаракат қилишга тайёр.

(Давоми иккинчи бетда)

**Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида шартномавий муносабатларни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Шартнома шартлари

### унга тўлиқ риоя этиш тарафлар манфаатига хизмат қилади

Маълумки, кундалик турмушимиз ўзаро мулоқот ва манфаатлар мувозанатига асосланган. Ушбу жараёнда баъзан кимгадир қарз бериш ёки баъзи ҳолларда қарз олишга тўғри келади.

Мамлакатимиз қонунчилигида бу борадаги муносабатлар қарз шартномаси асосида тартибга солинади. Жумладан, амалдаги Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчига) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб айнан шу миқдорда пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Mas`uliyat va majburiyat*

## Зиммадаги бурч

### унга масъулиятсизлик билан қараш жавобгарликка сабаб бўлади

**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида солиқ тизимини такомиллаштириш, унинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш борасида изчил ишлар амалга оширилди. Бу юртимиз иқтисодиёти барқарорлигига, халқимиз фаровонлигига хизмат қилмоқда.**

Шу билан бирга мамлакатимизда солиқ юкини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар изчил давом эттирилмоқда.

Айтиш керакки, яратилган бу имконият ва имтиёзлардан унумли фойдаланаётган тадбиркорлар фаолияти тобора ривожланиб бормоқда.

Шу билан бирга давлат рўйхатидан ўтган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект банк муассасасидан имтиёзли кредит маблағи олиш; янги иш ўринлари ташкил этиш, дастгоҳлар, жиҳозлар, техника воситалари харид қилиш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни, ташқи иқтисодий фаолиятни йўлга қўйиб, хорижга сотиш, турли тендер-танловларда иштирок этиб, янги объектларга эга бўлиш, ўз мулкини ўзи тасарруф этиш сингари қатор имконият ҳамда қулайликларга эга.

Юртимизда яратилган имконият, берилган имтиёз ҳамда қулайликлардан ўринли фойдаланиб, ҳалол, виждонан ишлаётган; солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган ва шу тариқа; ҳам рўзғорига, ҳам жамиятга наф келтираётган минг-минглаб тадбиркорларни учратиш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

**Аввало шуни айтиш жоизки, мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият даражасига кўтарилган.**

*Qonun ko`magi*

## Фуқароларнинг қонуний манфаатлари

### амалда самарали таъминланмоқда

Айниқса, юртимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексалар манфаатлари қўшимча тарзда алоҳида ҳимояга олинган.

Бу жараёнда фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқи, малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг бу имкониятлардан унумли фойдаланиши учун адлия идоралари томонидан самарали ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

*Ayyom*

# Бунёдкорлик, янгиланиш, яратувчанлик айёми

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Унда ҳар бир юртдошимиз фаол иштирок этиб, мамлакатимиз ободлиги ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга интилади. Маҳалла ва тураржойлар, муқаддас зиёратгоҳ ва табаррук қадамжолар тартибга келтирилади, кўча ва хиёбонларга мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, турфа гуллар экилади. Миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, диёримиздаги

Ободонлаштириш ишлари узлуксиз йўлга қўйилгани, аҳоли баҳамжиҳатликда тозалик кунлари уюштираётгани маҳаллалар кўркига кўрк қўшиш баробарида, таълим масканлари, ташкилот ва корхоналар ҳудудида боғлар барпо этиш, яшил ҳудудларни кенгайтиришга хизмат қилаётир. Зотан, кўкаламзорлаштириш, янги боғлар яратиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш баҳорнинг энг муҳим тадбирларидандир. Наврўз айёмида



барча юртдошларимиз ҳамжиҳатликда ўтказадиган бундай эзгу ишлар жамиятимиздаги ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик муҳитини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Президентимизнинг жорий йил 24 февралдаги "2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ айни кунларда шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда ҳашарлар, кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаётир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг март-апрель ойлари мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди. Ойлик доирасида 15 март куни умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш, бу жараёнда "Соғлом бола йили" Давлат дастурида кўзда тутилган кенг кўламли вазифалар ижросини таъминлаш бўйича зарур вазифалар белгиланган.

амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар туфайли юртимизда боғ-роғлар тобора кенгаймоқда, шаҳар ва қишлоқларимизда сўлим гўшалар, хиёбонлар, истироҳат боғлари барпо этилмоқда.

Жорий йилда мамлакатимиз ҳудудларида янги боғ ва гулзорлар барпо этиш ишларини юқори даражада, уюшқоқлик билан ташкил қилиш мақсадида туман ва шаҳарлар марказлари, аҳоли турар жойлари, маҳаллалар, кўчалар чети ва хиёбонларга 40 миллион донадан зиёд ниҳол ва кўчат экиш мўлжалланмоқда.

Бир сўз билан айтганда яратувчилик, бунёдкорлик ишлари мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида уюшқоқлик билан ташкил этилаётир. Бундай эзгу ишлар туфайли юртимиз тобора чирой очиб, экологик муҳит барқарорлашмоқда. Кундан-кун обод ва файзли бўлиб бораётган манзиллар халқимизнинг ҳаётига маъно-мазмун бағишлаб, эртанги кунга ишонч туйғусини янада кучайтирмоқда.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

# Сунь Лицзе: "Ўзбекистон – тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакат"

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Айни пайтда Хитой билан Ўзбекистон ўртасида барча соҳалардаги муносабатлар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация ҳамда бошқа кўплаб икки томонлама муҳим ҳужжатлар асосида изчил ривожланиб бораётир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрда Ўзбекистонга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги мазмун билан бойитиб, ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистон Республикасини ўзининг ишончли ҳамкори деб билади. Биз Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли, ички ва ташқи сиёсатини ҳурмат қиламиз. Мамлакатларимиз давлат суверенитети, ҳудудий яхлитлик, хавфсизлик ва барқарорлик каби муҳим миллий манфаатларга тааллуқли масалаларда ҳар доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, сармоявий, илмий-техникавий, гуманитар алоқаларни кенгайтириш икки томонлама муносабатларда устувор йўналишлардир. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик руҳида изчил ривожланмоқда.

Ўзбекистон улкан иқтисодий салоҳиятга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик юксак самаралар бермоқда. 2012 йилда икки томонлама савдо айланмаси ҳажми 3,4 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2013 йил якунларига кўра, бу кўрсаткич 4,5 миллиард долларга етди. Ўзбекистонда Хитой инвестицияси иштирокида ташкил этилган беш юзга яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда, мамлакатимизнинг етмишдан зиёд компанияси ваколатхонаси ишлаб турибди. Айни пайтда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш учун қулай имконият ва шароитлар мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатларимиз, аввало, юқори технологиялар соҳасидаги турли лойиҳаларни амалга оширишда ўзаро фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. "Жиззах" махсус индустриал зонасида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда мобиль телефонлар, қурилиш материаллари, чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигининг ёрқин тасдиғидир.

Хитой ва Ўзбекистон муносабатлари давлатларимиз учун минтақада хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш борасида ўзига хос платформа бўлган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) доирасида ҳам жадал ривожланиб бормоқда. 2013 йил 29 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси муваффақиятли ўтгани ва унда Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян иштирок этганини таъкидлашни истардим.

Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Марказий Осиёда дастлабки Конфуций институтининг айнан Тошкентда ташкил этилгани эса таълим соҳасида ҳам ўзаро ҳамкорлигимиз изчил ривожланаётганидан далолат беради. Бугунги кунда Самарқанд шаҳрида ҳам шундай институтни ташкил этиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистонда Хитой тили, адабиёти ва умуман, мамлакатимизга нисбатан катта қизиқиш билдирилаётганидан хурсандман.

Икки мамлакатнинг маданият ва санъат вакиллари ўртасида ҳам самарали ва фаол муносабатлар йўлга қўйилган. Хитойлик мусиқачи ва хонандалар Самарқанд шаҳрида ҳар икки йилда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб келмоқда. Хусусан, ўтган йили фестивалда Хитойдан катта делегация қатнашди. Сиань ва Самарқанд шаҳарлари, Шаньси провинцияси ва Самарқанд вилояти ўртасида биродарлик муносабатлари ўрнатилгани, икки давлатнинг тўғридан-тўғри алоқалари изчил ривожланиб бораётгани бизни беҳад қувонтиради.

Тенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланиб, бир-биримизни қўллаб-қувватлаган ҳолда, давлат раҳбарлари томонидан икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни чуқурлаштириш мақсадида эришилган келишувларнинг қисқа муддатда албатта амалга ошишига ишонаман.

***— Истиқлол йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида ҳам ўз фикрингизни билдирсангиз.***

— Хитой ўзбек халқининг ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда танлаган мустақил тараққиёт йўлини ҳурмат қилади ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Шуни таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон истиқлол йилларида нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди. Ўзбек халқи мустақиллик берган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, барча жабҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ва изчил ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига бугун барчамиз гувоҳмиз.

Ўзбекистон — тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган мамлакат. Бинобарин, мамлакатингизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий ва сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мен Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига ишонаман.

***— Айтинг-чи, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги веб-сайтида хитой тилида берилаётган янгиликларни кузатиб борасизми?***

— Мен юртингиз тарихи, маданияти, истиқлол йилларидаги тараққиёти ҳақида аввал ҳам яхши билардим. Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганимдан сўнг мамлакатингиз ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида янада кўпроқ билишни, янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг www.uza.uz сайти тезкор ва ишончли расмий ахборот манбаи экани, унда саккиз тилда, жумладан, хитой тилида ҳам материаллар бериб борилишини яхши биламан.

Бу ҳам Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги яқин ҳамкорликдан далолат беради. Зеро, ўзаро алоқалар ривожланиб боргани сари ахборот алмашинувига бўлган талаб ҳам ортади.

Агентлигингиз веб-сайти давлат органлари фаолияти, мамлакатдаги муҳим ижтимоий-сиёсий воқеаларни тез ва атрофлича ёритиб келаётгани, бу ахборотларни ўз она тилимизда ўқиш имконияти мавжудлиги бизга, айниқса, катта мамнуният бағишламоқда.

***— Суҳбатимиз Наврўз байрами арафасида кечмоқда. Ўзбекистонда миллий қадриятларга берилаётган эътибор ҳақида қандай фикрдасиз?***

— Наврўз — ўзбек халқининг энг севимли байрамларидан бири. Бу айём азалдан тинчлик, меҳр-оқибат, саховат ва эзгулик рамзи бўлиб келган. Қадимда Наврўз байрами кунлари урушлар тўхтатилган, гина-кудуратлар, аразлар унутилган.

Наврўзнинг табиат уйғониб, боғ ва далалар кўм-кўк либосга бурканган, баҳор нафаси кезаётган кунларда нишонланишида улкан маъно мужассам. Гўзаллик ва нафосат айёми бўлмиш ушбу байрамни барча интиқлик билан кутади. Мамлакатингизда Наврўз муносабати билан турли тантана ва байрам сайллари ўтказилиши яхши анъанага айланган. Бу йил Наврўзни ўзбек халқи билан бирга кутиб олиш ва байрам тантаналарида иштирок этиш имкониятига эга бўлаётганимдан хурсандман.

Ўзбек халқининг қадимий урф-одат ва анъаналарини ҳурмат қиламан. Ўзбекистонда миллий қадриятларни тиклаш, ўрганиш, ривожлантириш ва тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар таҳсинга сазовордир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўз айёми билан самимий табриклайман. Барчага тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

**Ирода УМАРОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Qonun ko`magi*

# Фуқароларнинг қонуний манфаатлари

## амалда самарали таъминланмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Хусусан, фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва қонуний ҳал этиш, бузилган ҳуқуқ ва манфаатларни тиклаш борасидаги чора-тадбирлар алоҳида эътиборга молик. Мисол учун Тайлоқ туманида истиқомат қилувчи Ш.Муҳиддинова Самарқанд вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилиб, имтиёзли шартларда пенсия тайинланиши борасида амалий ёрдам беришни сўраган.

Мазкур аризани қонуний ҳал этиш мақсадида вилоят адлия бошқармаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Тайлоқ туманлараро судига бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Тайлоқ тумани бўлимига Ш.Муҳиддиновага имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш мажбуриятини юклаш ҳақида даъво аризаси киритилди. Мазкур суднинг 2014 йил 5 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг Тайлоқ тумани бўлими зиммасига Ш.Муҳиддиновага имтиёзли пенсия тайинлаш мажбурияти юклатилди.

Бундан ташқари Пахтачи тумани, "Хайриобод" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги "Амиробод" маҳалласида яшовчи фуқароларнинг "Қўзибоқар" почта алоқа бўлимига тўлов терминали ўрнатилишида амалий ёрдам кўрсатишни сўраб ёзган аризаси ҳам ўрганиб чиқилди ва почта алоқа тармоғи бошлиғи номига 2014 йил февраль ойида огоҳнома киритилди. Ушбу огоҳнома ижроси бўйича бўлимга коммунал тўловларни қабул қилиш бўйича тўлов терминали ўрнатилиши таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси амалда самарали таъминланмоқда. Бу юртимизда ижтимоий адолат барқарорлиги, қонун устуворлигига хизмат қилиши билан бирга ҳуқуқий давлат асослари мустаҳкамланишига замин яратмоқда.

**Х.ДАВРОНОВ,**
*Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи*

**Маълумки, бир кишининг бошқа кишига мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни, мажбуриятларни таъминлаш учун бериши гаров ҳисобланади. Гаров шартнома ёки қонун асосида амалда юзага келади.**

**Қонунга кўра, гаров закалат, ипотека, шунингдек, ҳуқуқлар гарови тарзида амалга оширилиши мумкин. Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўювчи томонидан гаровга олувчига ўтказилганда гаров закалат ҳисобланади. Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса, ипотека саналади.**

*Huquqiy ma`rifat*

# Гаров

## у қандай вужудга келади?

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин, аммо муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан, ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблар, алиментлар тўғрисидаги талаблар ҳамда бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган ўзга талаблар бундан мустасно.

Фуқароларнинг ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган айрим турдаги мол-мулкини гаровга қўйиш қонун ҳужжатлари билан ман этилиши ёки чекланиши мумкин.

Гаров ҳуқуқи гаров тўғрисида шартнома тузилган пайтдан ёхуд шартнома нотариал тасдиқланиши шарт бўлса, нотариал тасдиқланган пайтдан, шартнома рўйхатдан ўтказилиши шарт бўлганида эса, у рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Фуқаролик қонунчилигига биноан, ипотека шартномаси ёзма шаклда тузилади. Ипотека тўғрисидаги шартнома, шунингдек, нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома нотариал тасдиқланиши шарт. Ипотека тўғрисидаги шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

*Mas`uliyat va majburiyat*

# Зиммадаги

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бироқ Нусратилло Ғафуров, афтидан, тадбиркорлик ҳалолликни ёқтиришини, бу фаолият қонун доирасидан четга чиқмай бажарилиши зарурлигини унутган кўринади...

Гап шундаки, у 2011 йилнинг 27 декабрида Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясида "Анжелика плюс" масъулияти чекланган жамиятини давлат рўйхатидан ўтказиб, ўзининг ғараз ниятини амалга оширишни бошлаб юборган. Масъулияти чекланган жамиятга молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш бўйича умуман тушунчага эга бўлмаган, бор-йўғи ўрта махсус ошпазлик маълумотига эга укаси Баҳрилло Ғафуровни директор, таниши Бахтиёр Шамахмедовни эса, бош ҳисобчи этиб расмийлаштирган. Н.Ғафуровнинг ўзи масъулияти чекланган жамият фаолиятини бошқариб келган.

Кўриниб турибдики, бу кимсалар олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, шахсий бойлик орттириш мақсадини кўзлашган. Ҳамтовоқлар ана шундай ғараз ниятда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги **"Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги, 2011 йил 17 ноябрдаги **"Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарорлари, 2002 йил 26 ноябрдаги **"Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ва ушбу қарорга асосан ишлаб чиқилган **"Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида"**ги Низом талабларини қўпол равишда бузишган.

Далилларга эътибор қаратадиган бўлсак, Н.Ғафуров ва унинг шериклари 2012 йил январь ойидан 2013 йил октябрь ойига қадар бўлган даврда масъулияти чекланган жамият ҳисоб рақамидан қурилиш материаллари ва автомобиль эҳтиёт қисмлари учун кўчирилган пул маблағлари эвазига сотиб олинган 926 миллион 33 минг 400 сўмлик товарларни терговда шахсини аниқлаш имкони бўлмаган фуқароларга нақд пулга сотиб юборишган. Ушбу товарларни сотишдан тушган нақд пул маблағлари масъулияти чекланган жамият ҳисобига кирим қилинмаган.

"Анжелика плюс" масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлаган пайтдан 2013 йилнинг 8 октябрига қадар бозордан нақд пулга 1 миллиард 142 миллион 380 минг 800 сўмлик товар моддий бойликларини сотиб олган. Булар ҳам қонунга зид равишда жамият ҳисобига кирим қилинмаган. Аксинча, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга пул кўчириш йўли билан сотиб юборилиб, жами 2 миллиард 68 миллион 414 минг 200 сўмлик жуда кўп миқдордаги қийматда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари қасддан бузилган.

Ният холис бўлмагач, бир жиноий қилмиш иккинчисига йўл очар экан. Гап шундаки, Н.Ғафуров, Б.Ғафуров ва Б.Шамахмедовлар билан қонунда белгиланган солиқларни қасддан тўламаслик ҳақида ўзаро жиноий тил бириктиради. Улар шу нопок мақсадда Солиқ кодексининг 114-моддаси талаблари ва Президентимизнинг 2012 йил 25 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"**ги қарори талабларини қўпол равишда бузишади. Давлат солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботларда масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 974 миллион 995 минг 600 сўмга қасддан камайтирилади. Шу тариқа жами 39 миллион 927 минг 200 сўмлик кўп миқдордаги ягона солиқ тўловлари тўланмасдан қолади.

Айтиш керакки, Солиқ, валютага оид жиноятлар ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг Самарқанд вилояти бошқармаси 2013 йил 26 сентябрдаги қарорига асосан, "Анжелика плюс" масъулияти чекланган жамиятининг 2011 йил 27 декабрдан — 2013 йил 1 октябргача бўлган даврдаги молия-хўжалик фаолияти юзасидан тафтиш ва текшириш ўтказилганида барчаси аён бўлди.

Буни қарангки, текшириш ўтказилиши ҳақидаги хабарни эшитган Н.Ғафуров, Б.Ғафуров ва Б.Шамахмедовларнинг пайтавасига қурт тушади. Улар содир қилган жиноятларини яшириш мақсадида қатъий ҳисобда турувчи молиявий хўжалик фаолиятига алоқадор бўлган ҳисобхона ҳужжатларини қасддан йўқ қилишади. Бу билан улар жиноят излари ёпилди, энди ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди, деган хомхаёлга бориб, чучварани хом санашганди.

Негаки, ҳамтовоқлар жамиятнинг бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини йўқотган бўлса-да, ҳужжатли тафтиш ва текшириш Самарқанд шаҳар давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган солиқ ҳисоботлари ҳамда шаҳар "Халқ банки"нинг Боғишамол филиалидан олинган банк айланмалари ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар асосида ўтказилди. Шунда ҳамтовоқларнинг қилмиши тўлиқ ошкор бўлди.

*Qonun ijodkorligi*

# Ижтимоий шериклик

## жамият тараққиётига хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини фаоллаштиришда ҳамда фаолияти кўламини кенгайтиришда муҳим асос бўлди. Бунинг натижасида мамлакатимизда охирги уч йилнинг ўзида нодавлат-нотижорат ташкилотлари сони 45 фоизга ошиб, бугунги кунда 7,5 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. Бугунги кунда нодавлат-нотижорат ташкилотлари қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга доир энг муҳим давлат дастурларини рўёбга чиқаришда фаол иштирок этмоқда.



Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланиши ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасида **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"**ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан муҳокама этилаётган ушбу қонун лойиҳаси ижтимоий шерикликнинг асосий шакллари ва уларни амалга ошириш тартиби, ижтимоий шерикликни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда якунловчи қоидаларни ўз ичига олган. Қонун лойиҳасида социал-иқтисодий ривожлантиришга доир дастурларни амалга оширишда, гуманитар масалаларни ҳал қилишда, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари чегарасини аниқ белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилган.

Айтиш керакки, ижтимоий шериклик деганда, давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, минтақавий ва ҳудудий дастурларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқаришдаги ўзаро ҳамкорлиги тушунилади.

Ижтимоий шерикликнинг асосий принциплари қонунга бўйсуниш, очиқлик, ошкоралик ва иштирок этишнинг ихтиёрийлиги, мустақиллик ва тенг ҳуқуқли шериклик, холислик, ўзаро ҳурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият, мажбуриятларни қабул қилишнинг ихтиёрийлиги ва ҳисобдорликдан иборат.

Айтиш керакки, ижтимоий шериклик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва ошириш, аҳолининг бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, атроф-муҳитни, аҳолининг соғлиғини муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама баркамол ва соғлом ёш авлодни шакллантириш, оналик ва болаликни, шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маданий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини таъминлаш, соғлом оилани шакллантириш, фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий билимлари, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамияти ва демократик-ҳуқуқий давлат асосларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби соҳаларда амалга оширилади.

Мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда, энг аввало, ижтимоий шериклик принципи, шунингдек, ижтимоий шериклик соҳасидаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти, умумэътироф этилган принцип ва халқаро ҳуқуқ нормалари рўёбга чиқишини кечиктирувчи бўшлиқларни аниқлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатлари танқидий жиҳатдан таҳлил қилинди. Бундан ташқари бу борада хорижий давлатлар тажрибаси ҳам атрофлича ўрганиб чиқилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, ижтимоий шериклик соҳасидаги миллий норматив-ҳуқуқий база ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили шуни кўрсатадики, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро муносабатларига доир турли масалалар амалдаги 30 та қонун ва юздан ортиқ бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Хусусан, Конституциямизда давлат томонидан нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўз фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқини қонунчилик йўли билан таъминлашнинг асоси белгилаб қўйилган. Айтиш керакки, ушбу конституциявий меъёрлар ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини белгиловчи қонунларда аниқлаштирилган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги, "Нодавлат-нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги, "Жамоат фондлари тўғрисида"ги, "Ҳомийлик тўғрисида"ги, "Нодавлат-нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги каби бир қатор қонунлар шулар сирасига киради. Бу қонунларга мувофиқ, давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатлари доирасида нодавлат-нотижорат ташкилотларини турли шаклларда қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, давлат органлари ва нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ўзаро муносабатини тартибга солувчи меъёрлар ушбу қонунлардан ташқари ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳалари, алоҳида турдаги ташкилотларнинг фаолият турларини ёки фаолиятини тартибга солувчи махсус қонунларда ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, давлат органлари томонидан қарорлар қабул қилишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари иштирокининг асосий принциплари, шакллари ва тартибини белгилаб берувчи "Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги, "Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги ва "Экологик назорат тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари вакилларини норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этишга жалб қилиш ҳуқуқи "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги, "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг Регламентларида назарда тутилган.

Бироқ амалдаги қонун ҳужжатлари ва амалиёт таҳлили давлат органларининг нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигининг шакллари, принциплари, механизмларининг аниқ тизимини назарда тутувчи ягона кодификацияланган қонун ҳужжати мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизни модернизация қилиш ва жамиятни демократлаштиришга доир долзарб вазифаларни ҳал қилишда улар иштирокининг самарадорлигига таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу жиҳатдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар томонидан кенг муҳокама этилаётган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ролини кучайтириш бўйича ўтказилаётган кенг кўламли ишлар самарадорлигини янада оширишга, катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган социал-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга татбиқ этиш жараёнида аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ҳар томонлама қамраб олишда муҳим ўрин тутади.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари*

*Parlament hayoti*

# Ҳуқуқий механизмлар такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари бир қатор қонунлар, кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда. Бу амалиётда ҳуқуқий ҳужжатлар нормаларини қўллашда қийинчилик туғдирмоқда, айрим ҳолларда уларнинг ҳар хил талқин қилинишига сабаб бўлмоқда.

***— Мазкур қонун лойиҳаси кўриб чиқилишида Қўмита томонидан қандай ишлар амалга оширилди?***

— Қонун лойиҳаси Бош прокурор томонидан қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган. Мазкур қонун лойиҳаси қуйи палатага келиб тушганидан ва у бўйича масъул сифатида бизнинг қўмитамиз белгиланганидан сўнг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи идора ва муассасаларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик актлари ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинди. Қонун лойиҳасидаги янги нормалар соҳадаги бошқа қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорларида акс эттирилган талабларга мувофиқ ҳолда такомилга етказилди, ривожланган мамлакатларнинг қонунчилиги билан солиштирилди.

Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида хориж мамлакатларининг тажрибаси ўрганилди. Айрим давлатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари, қоидага кўра, ягона қонунчилик акти билан мустаҳкамланиб, соҳадаги фаолиятнинг барча жиҳатлари тизимли равишда тартибга солинган.

Қонун лойиҳаси бўйича тегишли вазирлик ва муассасаларнинг, шу жумладан, республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг ижобий тақризи олинди.

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракцияларида, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳида қизғин муҳокама этилиб, уларда билдирилган таклиф ва тавсиялар асосида такомиллаштирилди.

***— Қонундаги асосий янгиликлар нималардан иборат?***

— Аввало, қонунда ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси каби турларини қамраб олувчи ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг чоралари белгилаб берилган.

Бунда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботга, ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этишга доир дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш бўйича чоралар тизими ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси сифатида белгилаб берилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси этиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазога ҳукм қилинган шахсларга нисбатан махсус чораларни кўришни назарда тутувчи алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига қаратилган фаолият қайд этилган.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси сифатида ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил бўлган ва содир этган шахсларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари мустаҳкамлаб қўйилган.

Қонун лойиҳасида ҳуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактика чораларининг тушунчаси ва механизми аниқ ҳамда тўла очиб берилган, бу эса амалиётда мазкур чораларнинг бир хилда ва тўғри қўлланилишини таъминлайди, шунингдек, уларни нотўғри талқин қилиш ҳолларининг олдини олади.

Ниҳоят, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бир тури сифатида жиноятлардан жабр кўриши мумкин бўлган ва амалда жабр кўрган шахсларга керакли ёрдам кўрсатиш, уларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси мустаҳкамлаб қўйилди.

Шу билан бирга, қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгиланди, улар фаолиятининг асосий йўналишлари ҳамда ваколатлари аниқлаштирилди.

Бундан ташқари, қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларига, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар ва муассасаларга кўмак бериш ҳамда зарур ёрдам кўрсатиш каби ҳуқуқларига асосий эътибор қаратилган.

Қонундаги санаб ўтилган янгиликлар, шубҳасиз, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими самарали фаолият кўрсатишида, қолаверса, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг асосий шартлари сифатида фуқароларимизни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялашда ижобий таъсир кўрсатади.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

*(«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 11 март сонидан олинди.)*

# бурч

## унга масъулиятсизлик билан қараш жавобгарликка сабаб бўлади

Ажабланарлиси шундаки, масъулияти чекланган жамиятда ҳуқуқшунос вазифасида ҳеч ким фаолият юритмаган.

Н.Ғафуров хўжалик юритувчи субъектлар билан масъулияти чекланган жамият ўртасида тузилган шартномаларга аслида мавжуд бўлмаган ҳуқуқшуносснинг фамилиясини тиркаб, унинг номидан ўзи имзо чеккан.

Сохталаштирилган бу каби расмий ҳужжатларни солиқ органлари, банк муассасалари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларга тақдим этган. Шу йўсинда давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зарар етказган.

Айтиш керакки, юртимизда бюджет ва солиқ соҳаларининг ҳуқуқий асослари изчиллик билан такомиллаштирилиб борилмоқда. Амалдаги Солиқ кодекси соҳадаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи меъёрларни ўзида тўлиқ мужассамлаштирган. Унда солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиши билан бирга солиқ солишнинг мажбурийлиги, аниқлиги, адолатлилиги ва ягоналиги тамойиллари ўзининг аниқ ифодасини топган. Шунингдек, солиқ тўловчининг ҳақлиги презумпцияси тамойили белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларни қайд этишдан кўзланган мақсад шуки, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, фойдани ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш сингари ҳар қандай қилмиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Бошқача айтганда, қонунда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашдан бўйин товлаган шахс муқаррар жазодан қочиб қутулолмайди.

Шу ўринда юқорида баён этилган мисолга қайтадиган бўлсак, биринчи босқич суди дастлабки тергов идораси томонидан судланувчилар — Н.Ғафуров, Б.Ғафуров ва Б.Шамахмедовларнинг жиноий ҳаракатларини Жиноят кодексининг 184-моддаси 2-қисми "б" банди, 189-моддаси 3-қисми, 209-моддаси 2-қисми "а" банди ҳамда 277-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб топди. Судланувчиларга нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда қонун талабларига таяниб, шунингдек, Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги "Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарорининг 9-бандига асосланиб, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни лозим, деб топди.

Суд Н.Ғафуров, Б.Ғафуров ва Б.Шамахмедовларга нисбатан Жиноят кодексининг 45-моддасини қўллаб, мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларда ишлаш муайян ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум қилди. Шунингдек, суд айбланувчиларнинг барчасига ҳар бир модда бўйича алоҳида-алоҳида жарима жазоси тайинлаб, Жиноят кодекси 59-моддасига асосан тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан энг кам иш ҳақининг 320 баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Конституциямизнинг 51-моддасида қайд этилганидек, қонунда белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлаш ҳар бир фуқаронинг конституциявий бурчи. Юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайтириб кўрсатиши, шу каби солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ўзга тарзда қасддан бўйин товлаши бюджет сиёсати барқарорлигига путур етказади.

Қисқа қилиб айтганда, изчил солиқ сиёсати — барқарор иқтисодиёт асоси ҳисобланади. Мамлакатимиз иқтисодий қудрати ҳамда мустаҳкам ижтимоий ҳимоя тизимининг муҳим омили бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳар бир юридик ва жисмоний шахс вақтида тўласа, бурчига содиқлигини намоён этса, шубҳасиз, юртимиз равнақига ҳисса қўшган бўлади.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Учинчи шахс фойдасига тузиладиган шартнома ҳақида маълумот берсангиз?***

**Ж.ОБИДОВ,**
Ангрен шаҳри

— Фуқаролик кодексининг 362-моддасида таъкидланишича, тарафлар қарздор ижрони кредиторга эмас, балки шартномада кўрсатилган ёки кўрсатилмаган, қарздордан мажбуриятни ўз фойдасига бажаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахсга бажариши мажбур деб белгилаб қўйган шартнома учинчи шахс фойдасига тузилган шартнома дейилади.

Агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада ўзгача тартиб назарда тутилган бўлмаса, учинчи шахс шартнома бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланиш ниятини қарздорга билдирган пайтдан бошлаб тарафлар ўзлари тузган шартномани учинчи шахснинг розилигисиз бекор қилишлари ёки ўзгартиришлари мумкин эмас.

Учинчи шахс шартнома бўйича ўзига берилган ҳуқуқдан фойдаланишдан воз кечган тақдирда, башарти қонун ҳужжатлари ва шартномага зид бўлмаса, кредитор бу ҳуқуқдан фойдаланиши мумкин.

**Саволга ҳуқуқшунос С.Ниёзова жавоб берди.**

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Шартнома шартлари

## унга тўлиқ риоя этиш тарафлар манфаатига хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Қарз шартномаси пул ёки ашёлар топширилган пайтдан бошлаб тузилган ҳисобланади.

Айтиш керакки, Олий суд Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги **"Фуқаролик кодексини тадбиқ қилишда суд амалиётида вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида"**ги қарорининг 21-бандига кўра, қарз берувчи юридик шахс бўлганида ёки фуқаролар ўртасида тузилган қарз шартномасининг суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлган ҳолларда қарз шартномасининг оддий ёзма шаклда тузилиши талаб қилинади. Судлар қарз шартномасининг оддий ёзма шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келмаслигини назарда тутиши лозим. Лекин Фуқаролик кодексининг 109-моддаси 1- ва 2-қисмларига мувофиқ, бундай ҳолларда тарафлар қарз шартномасининг тузилгани ва унинг шартларини гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқлаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Аммо бу уларни ёзма ва бошқа далиллар келтириш имкониятидан маҳрум қилмайди.

Агар пул ёки ашё олганлик факти инкор этилмаса, у ҳолда уни ёзма далиллар билан тасдиқлаш талаб қилинмайди, ҳар бир тараф ўз талабларини асослаш учун келтираётган ҳолатларни исботлашга мажбур.

Шунга кўра, бир тараф пул ёки ашёни қарз учун берганини тасдиқлаб, иккинчи тараф уни олганини инкор қилмасдан бу пул ёки ашё қарзга эмас, балки ҳадя тариқасида берилган деб тасдиқласа, суд пул ёки ашё олган тарафдан қарз эмас, балки ҳадя шартномаси тузилганини тасдиқловчи далилларни талаб қилиб олиши ва шу асосга кўра, низони ҳал қилиши лозим.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, даъвогар И.Сафарбоев судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда 2008 йил 1 августда жавобгар С.Собировга ҳар ойига 15 фоиз устама тўлаш шарти билан 10.000.000 сўм қарз берганини ва бу ҳақда жавобгар тилхат ёзиб берганини, шунингдек, жавобгар 2009 йил 15 апрелда яна 35.000.000 сўм қарз олиб, тилхат ёзиб берганини, лекин 2 йилдан буён жавобгар олган қарзларини тўламасдан келаётганини қайд этиб, қарзларни устама ҳақи билан ундириб беришни сўраган.

Ишдаги ҳужжатлар ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, жавобгар С.Собиров ҳақиқатан ҳам, 2008 йил 1 августда даъвогардан ҳар ойига 15 фоиз устама бериш шарти билан 10.000.000 сўм қарз олган ва ўтган вақт учун барча фоизларни тўлашини билдириб, тилхат ёзиб берган. Шунингдек, жавобгар 2009 йил 15 апрелдаги тилхат асосида даъвогардан яна 35.000.000 сўм қарз олган ва бу қарзни 2009 йил 1 ноябрда қайтариб бериш мажбуриятини олган. Лекин даъвогарнинг қарзни тўлаш ҳақидаги огоҳлантиришларига қарамасдан, жавобгар қарзини тўлаш чораларини кўрмаган.

Суд ишдаги ҳужжатлар ва қонун талабидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирди.

Айтиш керакки, Фуқаролик кодексининг 734-моддасига асосан, қарз шартномаси қарз бўйича олинган мулк (ашё)нинг қайтарилишини назарда тутади, қарз суммасига олинадиган фоизлар миқдори шартномада белгиланади. Агар қонун ёки қарз шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қарз берувчи (юридик шахс ёки фуқаро) қарз олувчидан қарз суммасига шартномада белгиланган миқдор ва тартибда фоиз олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қарз олувчидан фоизлар ундиришда суд бир вақтнинг ўзида қарз суммасидан давлат фойдасига солиқ ушлаб қолиши лозим. Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган пул мажбуриятини, шунингдек, қарз мажбуриятини бажармаганлик учун фоизлар қарз шартномасида белгиланган фоизлардан ҳам ортиқ ҳисобланиши мумкин.

Шу билан бирга қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади. Агар қарз шартномаси бўйича қарз олувчига турга хос аломатлари билан белгиланган ашёлар топширилса, уларнинг миқдори ва шакли (пул ёки натура ҳолидаги) шартномада кўзда тутилган ҳолларда фоизлар тўланиши керак.

Албатта, фоизларни тўлаш тартиби ва муддатлари қарз шартномаси билан белгиланади. Агар фоизлар тўлаш тартиби ва муддатлари шартномада белгиланган бўлмаса, улар асосий қарзни қайтариш учун шартномада назарда тутилган тартиб ва муддатларда тўланади.

Агар қарз суммасини қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак. Фақат фоизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, фуқаролар қарз бериш ёки олишдан аввал қонунда белгиланган тартибда қарз шартномасини тузиб, уни қонун талабларига риоя қилган ҳолда расмийлаштириб қўйсалар, бу ҳол нафақат ўзининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, балки ортиқча оворагарчиликларнинг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

**А.МАТКАРИМОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи*


# "BUXORO SAVDO ZAMIN"

## масъулияти чекланган жамияти "Очиқ танлов" савдоларига таклиф этади

**Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 27 январдаги 96-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда.**

1.Бухоро шаҳар "Газли шоссеси" кўчасидаги савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси учун 225.0 кв.м.дан иборат ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 190 643 сўм.

**Талабгорлар диққатига!**

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини шартнома асосида 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан (якшанбадан ташқари) бошланади ва 2014 йил 12 апрель куни соат $18^{00}$ да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар танлов ташкилотчиси бўлган "BUXORO SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро вилоят Инфинбанк филиалидаги МФО 01107, СТИР 302699204, ОКОНХ 83230, 20208000400254692001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулини тўлаши шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 14 апрель куни соат $11^{00}$ да очилади, 2014 йил 14 апрель куни соат $16^{00}$ да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 14 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил 21, 28 апрель кунлари соат $11^{00}$ да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат $18^{00}$ да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат $11^{00}$ да очилади ва шу куни соат $16^{00}$ да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баровари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи хужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Афросиёб кўчаси, 106-уй.**
**Телефон: (99895) 600-55-91.**

*Лицензия RR-0034*



# «SHAD SAVDO ZAMIN»

## масъулияти чекланган жамияти «Очиқ танлов» савдоларига таклиф этади

**Танлов савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро шаҳар ҳокимининг 2014 йил 24 февралдаги 251-сонли қарорига асосан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга шаҳарнинг Когон шоссеси, Шарқ-1 мавзеси ҳудудидан тўрт қаватли кўп хонадонли турар жой биноси қурилиши учун 400.0 кв.м.дан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати 338 920 сўм.**

**Талабгорлар диққатига!**

Танловда қатнашиш натижасида унга бўлган ҳуқуқ эгалланган ер участкасига нисбатан танлов ғолиби томонидан қабул қилинадиган мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Бухоро шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан берилади. Танлов ғолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома асосида мажбуриятларни 12 ой муддат ичида бажариши шарт.

Танловга иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш хабар матбуотда эълон қилинган кундан (якшанбадан ташқари) бошланади ва 2014 йил 12 апрель куни соат $18^{00}$ да тўхтатилади.

Танловда иштирок этиш истагидаги талабгорлар танлов ташкилотчиси бўлган "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар Ипотека банк Сардор филиалидаги МФО 00119 СТИР 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига буюртманома берилишидан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги закалат пулини тўлаши шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида 2014 йил 14 апрель куни соат $11^{00}$ да очилади, 2014 йил 14 апрель куни соат $16^{00}$ да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Юқоридаги ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2014 йил 14 апрелдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2014 йил 21, 28 апрель, 5,12 май кунлари соат $11^{00}$ да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун олдин соат $18^{00}$ да тўхтатилади. Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносида савдо куни соат $11^{00}$ да очилади ва шу куни соат $16^{00}$да мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Танловда фақат юридик шахс мақомига эга бўлган талабгорлар иштирок этадилар ва улар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, танловда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжатдан нусха;
- танлов хужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари;
- объектлар қуриш учун ушбу юридик шахсга илгари берилган ер участкаларидан фойдаланишнинг ҳолати (мавжуд бўлса), шунингдек, қурилишнинг норматив муддатларига риоя этилиши тўғрисида шаҳар архитектура ва қурилиш бўлимининг ҳамда шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг фикри;
- хизмат кўрсатувчи банкнинг талабгорнинг ҳисоб рақамида пул маблағлари мавжудлигини тасдиқлайдиган маълумотномаси;
- охирги йил учун аудиторлик ташкилотининг хулосаси (мавжуд бўлганда);
- охирги икки йил учун талабгорнинг бухгалтерия баланси;
- тегишли шаҳар давлат солиқ инспекциясининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича талабгорнинг қарздор эмаслиги тўғрисидаги маълумотномаси.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, юридик шахснинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй**
**Телефон: 8 (365) 221-51-62.**

*Лицензия RR-0048*


*G'aroyib olam*

**Дунёда инсон учун севимли машғулотлар жуда кўп. Улар орасида китоб мутолаа қилишнинг ўзига хос ўрни ва бетакрор хусусиятлари бор.**

# Биз билган ва билмаган дунё

## ЗАКОВАТ СИРЛАРИ



Мутахассислар бу борада кўплаб қизиқарли илмий изланишлар олиб боришган, натижада ўқишнинг фойдали жиҳатлари ҳақида кўплаб факт ва мисоллар юзага келган. Жумладан, тез ўқиш кўзни, секин ўқигандан кўра, камроқ зўриқтирар экан. Шунингдек, ўртача ўқиш қобилиятига эга бўлган одам бир сатр матнда 12-16 марта, тез ўқиш қобилиятига эга бўлган киши эса, икки-тўрт мартагина тўхталар экан, холос.

Ўртача ўқиш қобилиятига эга бўлган одам матн мазмунини 60 фоиз, тез ўқийдиган одам эса, 80 фоиз ўзлаштира олар экан.

Мутахассисларнинг фикрича, болаларни ўқишга ўргатиш учун энг қулай пайт 4-6 ёш ҳисобланар экан. Негаки, учинчи синфгача ўқишни яхши эгалламаган бола кейинчалик ҳам ўқишга қийналади.

Бошқа ахборот манбаларига нисбатан ўқишнинг соғлиқ учун фойдали эканлиги фан томонидан етарлича исботланган. Аниқ хулоса ва далилларга кўра, китобларнинг ижобий таъсири, мазмуни нафақат одамнинг кайфиятини кўтаради, балки унинг онгини ҳам яхшигина чархлайди. Шу билан бирга, ўқиш жараёнида инсон миясининг барча қисмлари фаол ишлар экан. Шу боис ўқиш жараёнида одам миясидаги таассуротлар шунчалик кучли бўлар эканки, инсон беихтиёр ўзи ўқиётган асар қаҳрамонига жон куйдиради. Натижада китоблардаги муҳит бизни ўзга оламга етаклаб, ҳам руҳий, ҳам жисмоний ҳолатимизга ижобий таъсир ўтказади.

Инсоннинг ўқишга бўлган иштиёқи, заковати ва хотира кучи бўйича салоҳиятларини ўрганган мутахассислар ҳайратланарли ҳолатларни қайд этишган. Унга кўра, америкалик Ким Пик исмли шахс бир вақтнинг ўзида чап ва ўнг кўзи билан бир-биридан бўлак матнларни ўқиш қобилиятига эга бўлган. У ўзи ўқиган матннинг 98 фоизини ёдда сақлай олган ва тўрт варақ матнни ўқиш учун атиги 8-10 лаҳзагина вақт сарфлаган, холос.

Машҳур олим Томас Эдисон ҳам матннинг икки-уч сатрини бир вақтнинг ўзида мутолаа қилган. Энг қизиғи, у китобни варақлаш жараёнидаёқ бутун бошли матнни хотирасида сақлаб қолиш қобилиятига эга бўлган. Машҳур француз ёзувчиси О.Бальзак ярим соат ичида 200 варақдан иборат китобни ўқиб чиққан ва унинг мазмунини тўлиқ гапириб бера олган.

Машҳур олим Эрнест Гауннинг тезхотирлиги ҳаммани ҳайратга солган. Яъни у оз эмас — 2500 та ўзи ўқиган китобни хотирасида сўзма-сўз сақлай олганлигини кўп бора исботлаган.

Айни пайтда нечоғлик ғалати туюлмасин, дунёнинг илк кутубхоналарида ўқувчилар ўғирлаб кетмаслиги учун китобларни занжир билан жавонларга боғлаб қўйишган. Негаки, ўша даврларда китоблар ниҳоятда қиммат ва ноёб ҳисоблангани боис, бу тартиб Ғарб мамлакатларида XVIII асрга қадар сақланиб қолинган. Аммо Ғарб мамлакатларида китоблар айрим черковлардагина мавжуд бўлган бир пайтда Шарқнинг кўплаб мамлакатларида кутубхоналар кенг тарқалган ва ҳар бир хоҳловчи ўзи истаган асарни бемалол олиб ўқиш имконига эга бўлган.

Дунёдаги энг оммабоп ёзувчи Агати Кристи ҳисобланади. Ёзувчининг дедектив асарлари дунёнинг 44 та тилида чоп этилган. Унинг қаламига мансуб асарлар адади 2 миллиард нусхадан ошиб кетган. Дунёда энг кўп асар ёзган ёзувчи эса, испаниялик драматург Лопе де Вега ҳисобланади. У ўз умри давомида 1800 дан ортиқ пьеса ёзган. Дунёдаги энг узун таржимаи ҳол эса, буюк Британиянинг собиқ бош вазири Уинстон Черчиллга тегишли бўлиб, у 22 жилддан иборат. Дунёдаги энг йирик нашр эса, 1968-1972 йиллари чоп этилган Британия парламенти ҳужжатлари бўлиб, у 1112 жилддан иборат, оғирлиги эса, уч тоннани ташкил этади. Дунёдаги энг оғир китоб ҳам Британия музейида сақланаётган географик атлас бўлиб, унинг баландлиги бир метрдан ошади. Оғирлиги эса, 320 килограмм тош босади.

**Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.**


КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Кўчқор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ



Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.**
**E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
**Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56**

Буюртма: Г-325. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9215.

1 2 3 5 Топшириш вақти: $21^{30}$ Топширилди: $22^{00}$